

Шаҳзода Чарльз мусулмонларга миннатдорчилик билдирди



10:25 / 01.05.2020 1597

Буюк Британия шаҳзодаси Чарльз пандемия пайтида Рамазон ойида рўза тутаётган мусулмонларни ҳайратда қолдирди ва COVID-19 оқибатида вафот этган оилаларга таъзия изҳор этди. Бу ҳақда islam.ru нашри хабар берди.

Уэльс шаҳзодаси Буюк Британиянинг мусулмон жамоасига «Ассаламу алайкум» деб мурожаат қилиб, муборак Рамазон ойини оғир шароитда кутиб олишларини ҳис қилганини таъкидлади. Шунингдек, у пандемия авж олган пайтда муҳтожларга ёрдам берган мусулмон кўнгиллилар ва хайриячиларга миннатдорчилик билдирди.

«Энг фожиали нарса, мусулмон жамоасининг кўплаб юқори малакали ва бебаҳо шифокорлари ва ҳамширалари ушбу зарарли вирус туфайли ҳаётларини йўқотганлар», дея таъкидлади Уэльс шаҳзодаси.

Islom.uz портали таҳририяти